

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ

З.Н. Қурбанов, и.ф.д., проф.

Ф.И. Исаев, катта илмий ходим-изланувчи, БМА

Аннотация: Мақолада республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланганлиги рақамлар билан асосланган. Иқтисодий барқарорликни таъминловчи кўрсаткичлар тизими келтирилган ва таҳлил қилинган.

Аннотация: В данной статье рассмотрены темпы роста экономики обоснованные цифрами в результате осуществления экономических реформ в нашей республике. Анализирован и приведен в пример система показателей обеспечивающих экономическую стабильность.

Annotation: The article shows the provision of high economic growth is based on figures as a result of the ongoing economic reforms in the Republic. The system of indicators of providing economic stability is given and analyzed.

Калит сўзлар: иқтисодий ўсиш, иқтисодий барқарорлик, ЯИМ, давлат бюджети, солиқ юки, ҳаракат стратегияси.

Кириш

Ҳозирги глобаллашув, дунёда давом этаётган молиявий иқтисодий инқирозлар, “савдо урушлари”, геосиёсий жараёнларнинг янада мураккаблашиб бораётган бир шароитда иқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий аҳамиятга эга бўлади. Иқтисодий барқарорликни таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маърузасида «Бугун мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлида изчил илгарилаб боришини таҳлил қилар эканмиз, ўтган йили принципиал муҳим ислохотларни амалга ошириш бўйича қатъий қадамлар қўйилди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Бу ислохотларнинг асосий мақсади – аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир. Жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган бу сиёсат бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади» деб таъкидлади [1].

Жумладан, Президентимиз маърузада яна муҳим бўлган қуйидаги масалаларга тўхталиб: “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси лойиҳасини кенг муҳокама қилиш давомида келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда 2017 йил учун мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг ўн битта энг муҳим устувор вазифасини белгилашни таклиф этаман. Шулардан асосийларидан бири, Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазифамиздир” деб алоҳида таъкидлади.

Шунингдек маърузада, 2016 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 7,8 фоизга ўсганлиги қайд этиб ўтилди. Саноат маҳсулоти ҳажмлари – 6,6 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари – 12,5 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,4 фоизга, хизматлар – 12,5 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади ва 5,7 фоизни ташкил этганлиги эътироф этилди [1].

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта усутувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси” лойиҳасида қуйидаги бешта усутувор йўналиш ўз аксини топган:

1. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг усутувор йўналишлари.

2. Қонун усутуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишнинг усутувор йўналишлари.

3. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг усутувор йўналишлари.

4. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг усутувор йўналишлари.

5. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги усутувор йўналишлар[2].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маърузасида ва "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта усутувор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегияси" лойиҳасида ҳам асосий урғу макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишга берилган.

Хўш “иқтисодий ўсиш” категориясининг моҳияти нимадан иборат ва у қандай иқтисодий кўрсаткичлар билан ифодаланади. Жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва бошқа барча муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўли миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва иқтисодий ўсишига эришишдир. Миллий иқтисодиётда иқтисодий ривожланиш қийин аниқланадиган жараён бўлганлиги сабаб, унинг мезонларидан бири бўлган иқтисодий ўсиш кўпроқ таҳлил қилинади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

А. Ўлмасов ва А. Вахобовнинг эътироф этишича: “Иқтисодий ўсиш иқтисодиётнинг ривожланиши, яъни ҳаётини неъматлар бўлган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилишининг кўпайиб боришидир” [3].

А.Ш. Бекмуродов ва У.В. Ғафуровнинг фикрича, “Иқтисодий ўсиш бевосита ялпи ички маҳсулот миқдорининг мутлақ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайиши ҳамда сифатининг яхшиланишида ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади”[4].

Иқтисодчи А. Мўминовнинг қарашича: Иқтисодий ўсиш деганда бевосита ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва унинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи қийматининг ортиши тушунилади. Агар мақсад мамлакатнинг иқтисодий


салоҳиятини баҳолаш бўлса, у ҳолда ЯИМ ҳажмининг ўсиш суратларидан фойдаланилади[5].

Адабиётларда “барқарор иқтисодий ўсиш” тушунчасига ҳам таърифлар берилган. Хусусан, “Барқарор иқтисодий ўсиш” тушунчаси миллий иқтисодиётнинг шундай бир ҳолатини ифодалаши керакки, унда салбий ёки нолга тенг бўлиши мумкин бўлган реал ўзгарувчан мезон ва кўрсаткичлар узлуксиз мутаносиб суръатда ўсиши лозим[6].

Таҳлил, натижа, хулоса ва таклифлар

Иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичлар жуда кўп. Биз ушбу илмий мақоламизда қуйидаги учта кўрсаткичга тўхталиб ўтамиз. Булар: ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши, давлат бюджетининг даромад қисми шаклланиши ва солиқ юқининг пасайишидир.

Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланмоқда (1-расм маълумотларига қаранг).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2000-2017 йилларда ЯИМнинг ўсиш тенденцияси

1-расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ЯИМ ўсиши суръатлари 2000-2003 йилларда 3,8-4,2 фоиз, 2004-2006 йилларда 7,7-7,3 фоиз, 2007-2008 йилларда эса 9-9,5 фоиз даражасида кузатилган бўлса, кейинги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мазкур кўрсаткичга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, ўсиш суръати бироз пасайди. 2007-2015 йиллар мабойнида ЯИМнинг ўсиши 8 фоиздан кам бўлмаган бўлса, 2016 йилга келиб, ўсиш 7,8 фоиз даражасида бўлди.

Мамлакатимизда эришилган иқтисодий ўсиш Халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, Global Ratings рейтинг агентлиги ҳисоботида "Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсиши суръатлари камайиши афтидан тўхтади, реал ЯИМ ўсиши 2017-2018 йилларда йиллик 6-7 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда. Фикримизча, номинал ифодада кредитлаш ўсиши юқори суръатлари баъзи қийинчиликларни ифода этади, бироқ фикримизча, улар умуман номинал ифодада иқтисодий ўсиш суръатларига мос келади ва иқтисодиётда “нарх пуфаклари” юзага келишига олиб келмайди”, дейилмоқда. Ўзбекистон иқтисодий ўсиш кўрсаткичи бўйича дунёда бешинчи ўринда қайд этилган.

Global Ratings рейтинг агентлиги ҳисоботида Эфиопияда ўртача ЯИМнинг ўсиши 2014 йилдан 2017 йилгача 9,7%, иккинчи ўринда Туркманстон 9,07%, кейинги ўринларда Конго, Маянма, Ўзбекистон, Кот-д Ивуар, Хитой қайд этилган. Жаҳон банки Ўзбекистонда 2017-йилда ЯИМнинг ўсиши 7,4% бўлишини прогноз қилмоқда [7].

МДХ давлатлараро статистика қўмитасининг 2016 йил 5 декабрда эълон қилган маълумотларига кўра, МДХ мамлакатлари бўйича иқтисодий ўсиш бўйича энг юқори кўрсаткич Ўзбекистон ва Туркменистонда қайд этилган. Жорий йилнинг ўтган 10 ойида Туркменистонда ЯИМ ўсиши ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда 11,1%га, Ўзбекистонда эса 8,2%га кўтарилган. Бу эса МДХ да энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. «Қирғизистонда МДХ бўйича энг паст иқтисодий кўрсаткич қайд этилди – ЯИМ 4,3% га пасайган» - дейилади хабарда[8].

Халқаро Валюта Фонди маълумотларига кўра иқтисодий ўсиш АҚШда 2016 йилда 2,9 фоизни ташкил қилган бўлса, 2017 йилда 2,3 фоиз, 2018 йилда фоиз бўлиши прогноз қилинган.

Бу кўрсаткичнинг даражаси Россияда қандай? Россия Федерацияси Давлат Думасининг “Бюджет ва солиқлар” бўйича қўмитаси раиси А.Макаровнинг фикрича, ЯИМнинг ўсиши 2017 йилда 0,6%, 2018 йилда 1,7%, 2019 йилда эса 2,1% ўсиш бўлиши тахмин қилинмоқда[9].

Хитой ялпи ички маҳсулоти ўсиш суръати 2016 йилда 6,7 фоизга етди. 2015 йилда бу кўрсаткич 6,9 фоизни ташкил этган. «Тахминий маълумотларга кўра, Хитой ЯИМ 2016 йилда 74,41 триллион юань (деярли 10,84 триллион АҚШ доллари)ни ташкил этди. Бу ўтган йилга нисбатан 6,7 фоизга кўпроқ. Хусусан, йилнинг биринчи чорагида ЯИМ ўсиши – 6,7 фоиз, иккинчи чоракда – 6,7, учинчи – 6,7 ва тўртинчи чоракда – 6,8 фоизга тенг бўлди» - дейилади. Хитой давлат статистика бюроси материалларида. Хитой ЯИМ ўсиш суръати 2016 йилда 26 йил давомидаги энг ёмон натижани қайд этди[10].

Жаҳон иқтисодиётини ўсиши ўртача 2017-йилда 2,7 %, 2018 йилда эса 2,9% бўлиши прогноз қилинган[11].

Макроиқтисодий барқарорликни характерловчи кўрсаткичлардан бири мамлакат бюджетининг манбалар билан таъминланганлигидир.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромад қисмининг 2010-2017 йиллардаги шаклланиш манбалари [12]


Йиллар	2010 йил		2011 йил		2012 йил		2013 йил		2014 йил		2015 йил		2016 йил		2017 йил прогноз	
	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%
1. Бевосита солиқлар	3546,8	26,1	4497	26,4	5414,2	25,42	6353,7	24,23	7433	23,92	8798,4	24,1	9853,6	24	10674,2	24
<i>I</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>	<i>7</i>	<i>8</i>	<i>9</i>	<i>10</i>	<i>11</i>	<i>12</i>	<i>13</i>	<i>14</i>	<i>15</i>	<i>16</i>	<i>17</i>
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	644,5	4,74	861,6	5,1	1001,1	4,70	1038,8	3,96	1120,2	3,61	1180,5	3,23	1215,1	2,96	1291,1	2,90
Савдо ва умумий оқатланиш корхоналари учун ЯСТдан давлат бюджетига ажратмалар	390,9	2,87	561,4	3,3	645,9	3,03	832,6	3,18	954,4	3,07	1207,8	3,31	1516,1	3,70	1613,2	3,63
ЯСТдан давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан микрофирма ва кичик корхоналардан ажратмалар	365,4	2,69	480,2	2,8	588,2	2,76	755	2,88	967,9	3,12	1191,7	3,27	1440,8	3,51	1622,8	3,65
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	1594,6	11,7	1919,1	11,2	2301,8	10,8	2717,3	10,36	3261,7	10,5	3800,7	10,41	4137,4	10,1	4476,1	10,07
Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ	168,0	1,24	225	1,3	317,3	1,48	415,6	1,58	553,1	1,78	681,5	1,87	822,3	2,00	831,7	1,87
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	383,4	2,82	449,6	2,6	559,9	2,62	594,4	2,27	575,7	1,85	736,2	2,02	721,9	1,76	839,3	1,89
2. Билвосита солиқлар	6858,5	50,4	8225	48,2	10434,5	48,99	13398,7	51,09	16852,3	54,24	19193,8	52,6	21131	51,5	24285,4	54,61
Қўшилган қиймат солиғи	3900,2	28,7	4761,4	29,9	5966,6	28,0	7552,5	28,8	9476,1	30,5	10850,9	29,7	11891,6	29,0	13422,1	30,2
Акциз солиғи	2219,4	16,3	2541,8	14,9	3175,9	14,9	4168,3	15,9	4941,1	15,9	5618,5	15,4	6258,5	15,3	6870,8	15,5
Божхона божи	430,3	3,16	516,3	3,02	759,7	3,56	1007,4	3,84	1350	4,34	1481,5	4,06	1449,5	3,5	1632,2	3,67
Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ	308,6	2,27	405,4	2,4	532,4	2,50	670,5	2,56	1085,1	3,49	1242,9	3,41	1531,3	3,7	1940,3	4,36
Абонент тўлови	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	420	0,94
3. Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	2095,5	15,4	2626,2	15,4	3312,5	15,6	3888,3	14,83	4311,5	13,88	4816,1	13,2	5306,2	12,9	6049,5	13,6
Мол-мулк солиғи	432,9	3,18	571,5	3,34	736,1	3,45	1011,6	3,86	1273,7	4,10	1393,1	3,82	1659,3	4,04	1988,8	4,47
Ер солиғи	322,7	2,37	437,2	2,56	486,3	2,28	583,4	2,22	647,5	2,08	750,1	2,06	966,7	2,36	1102,5	2,48
Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар	1284,5	9,45	1555	9,11	2016,3	9,46	2190,9	8,35	2275,6	7,32	2514,5	6,89	2517,7	6,14	2746,3	6,18
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	55,3	0,41	62,4	0,36	73,9	0,34	102,4	0,39	114,7	0,37	158,4	0,43	162,5	0,40	211,9	0,48
4. Қўшимча фойда солиғи	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	723,2	1,63
Бошқа даромадлар	1095,9	8,06	1713,1	10	2134,4	10	2582,5	9,85	2473,7	7,96	3684,4	10,1	4739,9	11,6	2737,3	6,16
Жами	13597	100	17061,3	100	21295,6	100	26223,2	100	31070,5	100	36492,7	100	41030,7	100	44469,6	100

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Республикамиз бюджетининг даромад қисмининг асосий манбаларидан бири солиқ бўйича тушумлар ташкил қилади. Бу кўрсаткич 2010 йилда 13597 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2015 йилда 36492,7 млрд. сўм бўлган, 2017 йилда эса солиқ тушумлари 44469,6 млрд. сўм бўлиши прогноз қилинмоқда. Солиқ тушумларининг солиқ турлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, билвосита солиқларнинг улуши 2010 йилда 50 фоизни, 2015 йилда 53 фоизни ташкил қилган бўлса, 2017 йилда эса 55 фоиз бўлишлиги прогноз қилинмоқда, яъни солиқ тушумларида билвосита солиқларнинг улуши ошиб бормоқда(3,4,5-расм маълумотларига қаранг).


Аксинча таҳлил даврида бевосита солиқлар, ресурс тўловлари ва мол-мулк солиқларининг улуши камайиб бормоқда. 2017 йилда солиқ тушумлари таркибида қўшимча фойда солиғи алоҳида кўрсатилмоқда ва унинг улуши 1,63 фоизни ташкил қилиш белгиланган.



2-расм. 2010 йилда солиқ тушумларининг улушлари




3-расм. 2015 йилда солиқ тушумларининг улушлари



4-расм. 2017 йилда солиқ тушумларининг улушлари (прогнози)

Иқтисодий барқарор ўсишни характерловчи кўрсаткичлардан бири солиқ юки кўрсаткичидир. Республикамизда солиқ юки кўрсаткичи таҳлил қилинаётган даврда пасайиш тенденциясига эга.



5-расм. Ўзбекистон Республикаси 2000-2017 йилларда солиқ юкининг пасайиш тенденцияси

5-расмда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, солиқ юки 2000-2005 йилларда 37,4 фоиздан 30,1 фоизга пасайган, 2010 йилда 21,9 фоизни, 2015-2016 йилларда 20 фоизни ташкил қилган бўлса, 2017 йилда 18,9 фоиз бўлиши прогноз қилинмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, солиқ юки кўрсаткичининг пасайиш тенденцияси мамлакатнинг нафақат иқтисодий ўсиш кўрсаткичига ижобий таъсир қилади балки иқтисодий, сиёсий ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январда ўтказилган мажлисдаги «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак» маърузаси. //Халқ сўзи. 16.01.2017 й.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта усутувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси.
3. Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. -Т.: Iqtisod-moliya, 2014.
4. Бекмуродов А.Ш., Фафуров У.В. Ўзбекистон иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. -Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б.
5. Мўминов А. Иқтисодий ўсиш ва унинг омиллари нималардан иборат” //Ўзбекистон овози. 20.05.2016 й.
6. Словарь современной экономической теории Макмиллана – М.,1997.с. 471.
7. Доклад Всемирного банка “Перспективы мировой экономики» 2017.
8. Ўзбекистон иқтисодий ўсиш бўйича МДХ да етакчи. Jamiyat рукни. 5.12.2016 й
9. Макаров. А. В 2017-2019 годах экономический рост в России окажется ниже среднемирового уровня. «Росбалта», 28 октября 2016 года.
10. РИА «Новости» мамлакат статистика бюросига асосан. Иқтисодиёт рукни 20.01.2017 й.
11. Доклад Всемирного банка «Глобальные экономические перспективы 2017».11.01.2017 г
12. Интернет манбалари: mf.uz